

## Мўмин банда Қиёмат куни

05:35 / 08.06.2018 3257

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

**«Мўмин банда Қиёмат куни Роббисига шу қадар яқинлаштириладики, У банданинг устига (ҳимоя) қанотини қўяди. Ва гуноҳларига иқрор этади. Ҳамда: «Ундай ёки бундай гуноҳларингни биласанми?» дейди. Банда эса: «Эй Раббим, биламан», дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен дунёдалигингда гуноҳларингни фош қилмасдан сир тутдим. Бу кун гуноҳларингни кечираман», дейди. Кейин у бандага яхшиликлар ёзилган саҳифа берилади», дедилар.**

Муттафақун алайҳ.

**Изоҳ:** «Аллоҳга яқинлаштирилади», дейилганда карам ва яхшилик ила яқинлаштириш тушунилади. Чунки Аллоҳ масофа ила яқинлашишдан покдир».